Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 99 (5690)
29 АПРЕЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 27 апрель куни область, шаҳар, район партия комитетлари ва район комитети ҳузуридаги партия комиссияларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партия комиссияларининг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, контрол ишларини такомиллаштириш, партия турмуши нормаларини бузишга қарши курашни кучайтириш борасидаги вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Ҳайдуров — республика халқ контроли органларининг социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун кураш борасидаги ишлари тўғрисида; Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин — партия ва ҳукуматнинг социалистик қонунчиликни ва жамоат ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш юзасидан республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олиб бораётган ишлар тўғрисида; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комис[illegible]ду.
Ком[illegible]
асосн[illegible]ри иш[illegible]
да [illegible]
асосий й[illegible]
сида ахбо[illegible]

Ўзбекисто[illegible]
Марказий [illegible]
пленуми қаро[illegible]
риш борасидаги[illegible]
баларини алмаш[illegible]
да бир қанча парт[illegible]
тетларининг секрета[illegible]
партия комиссия[illegible]
раислари сўзга чиқди.

Семинар-кенгашда [illegible]
Марказий Комитети ҳузу[illegible]
даги Партия контроли ко[illegible]
тетининг аъзоси М. В. П[illegible]
реудин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Дўстона учрашув

27 апрель куни Варшавада КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачёвнинг ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский билан учрашуви бўлди.

Иккала қардош партия раҳбарлари КПСС билан ПБИПнинг Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган принципиал йўлини тасдиқладилар. Бундан буён ҳам революцион галабалар посбонлигида қаттиқ туришга, халқаро кескинликни юмшатиш учун социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга, Европа қитъасида ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни қаттиқ туриб сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қилишга иккала томоннинг азму-қарор берганлиги изҳор этилди.

Шу муносабат билан Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашиб, қардош мамлакатларнинг сиёсий ва ҳарбий иттифоқига ҳаёт бахш этган мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида қарор қабул қилганликлари тарихий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалаба 40 йиллигининг зўр аҳамияти қайд этилди. Тарих тажрибаси Ғарбда реваншчилик тенденцияларини жонлантириб, иккинчи жаҳон уруши якунида ва урушдан кейинги ривожланиш давомида Европада вужудга келган территориал-сиёсий реалликларни шубҳа остига қўйишга уринаётган реакцион доираларга огоҳлантириш бўлиб хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари СССР билан ПХР ўртасидаги қардошлик алоқалари узлуксиз ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этдилар, иккала мамлакат ўртасида 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини изчиллик билан амалга ошириш зарурлигини уқтирдилар. Бунда ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи, жадал иқтисодий ўсишни ва шу асосда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ошишини таъминловчи тармоқларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

М. С. Горбачев билан В. Ярузельский иккала мамлакатнинг партия ва давлат раҳбарлари ўртасидаги ҳамкорликни, ижтимоий, илмий ва маданий соҳалардаги хилма-хил алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантириш зарурлиги хусусида якдил эканликларини изҳор қилдилар.

Иккала қардош партиянинг раҳбарлари СССР ва ПХРдаги вазият ҳақида, КПСС ва ПБИП ҳал этаётган вазифалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет томони Польша Бирлашган ишчи партиясининг, Польша меҳнаткашларининг кризис оқибатларини тўла-тўкис бартараф этиш, барқарорлик учун, социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши билан муттасил бирдамликни тасдиқлади. Польша томони ёрдам ва мадад учун СССРга миннатдорчилик изҳор қилди, бу ёрдам ва мадад Польша учун қийинчиликларни бартараф этишга қўшилган муҳим ҳисса эканлигини таъкидлади.

В. Ярузельский М. С. Горбачевни дўстона визит билан Польшага келишга таклиф қилди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди. Визит вақти кейинроқ келишиб олинади.

Қардош партиялар раҳбарларининг учрашуви бирлик ва самимий дўстлик руҳида ўтди.

(ТАСС).

Зафарларимиз — 1 Майга!

• Шаҳар индустрияси рапорти

ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Ўзбекистон пойтахти индустрияси товар маҳсулот ҳамда асосий хилдаги саноат буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича тўрт ойлик планни бажарди.

Тошкентликлар ўз меҳнат муваффақиятларини 1 Майга ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб, ой охиригача май байрами шарафига олинган шартнома мажбуриятларига қўшимча бир неча ўн миллион сўмлик турли хил машинасозлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат, қурилиш индустрияси маҳсулотлари, кенг истеъмол буюмларини берадилар.

Байрам вахтасида Ленин, Ҳамза, Чилонзор, Сергели ва шаҳарнинг бошқа районлари катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачёвнинг нутқига амалий жавоб бериб, асосий диққат-эътиборни ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим масалаларини бўлган меҳнатни интенсивлаш ва самарадорликни ошириш, иш сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, моддий-техника ресурсларини тежаб сарфлаш масалаларига қаратишяпти, партия XXVII съезди пленумини муносиб кутиб олиш, 1985 йил ва бутун беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилмоқдалар.

ТИНЧЛИК — БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ ИШИ

27 апрель куни Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Осиё ва Тинч океан регионида тинчлик ҳамда хавфсизлик» университетининг халқаро семинари иш бошлади, семинарда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Жанубий Корея, Англия, Австралия ва Янги Зеландия, Филиппин ва Малайзия, Индонезия ва Таиланд, Гонконг ва Сингапур илмий жамоатчилигининг вакиллари қатнашмоқдалар.

— Ҳозир биз гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабани нишонлашга тайёргарлик кўраяпмиз, — деди семинарни очиб туриб СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев. — Ўша уруш йилларида инсоният умумий ашаддий душманга қарши курашда кучларни бирлаштира олиш қобилиятини яққол исботлаган эди. Ҳозир ядро ёнғини хавфи мана шундай умумий душман бўлиб турибди. Мана шу ялпи хавфнинг олдини олиш — бутун инсониятнинг ишидир, бу иш ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми яшаб турган Осиё қитъаси мамлакатлари учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Совет Иттифоқи ўзи таклиф этган тадбирлар ва тинчлик ташаббуслари комплексини амалга ошириш учун изчиллик билан интилмоқда, ер куррасининг ҳар қандай нуқтасидаги халқларнинг хавфсизлигини реал равишда таъминлашга қаратилган бошқа ҳамма таклифларни синчиклаб кўриб чиқишга тайёр. Инсониятнинг, масалаларидан қатъи назар холис ниятли кишиларнинг ядро жари олдида тўхташ учун ақли ва кучи етарли эканига аминмиз.

БМТ университети кенгашининг аъзоси профессор К. Мусякодзи (Япония), Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, республика Фанлар академиясининг академиги П. К. Ҳабибуллаев семинар қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзладилар. Биринчи кун программасига мувофиқ, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори академик Е. М. Примаков, Ҳиндистондаги Жавоҳарлал Неру номидаги университет профессори Р. Кхан докладлар қилишди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ

• ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА — КАСБ БАЙРАМЛАРИ.
• ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАР — ҲАЁТГА.
• ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Касб байрамларини ўтказиш тажрибасини такомиллаштириш, уларни оммалаштириш, ёшларни ишчи синфининг, колхоз деҳқонлари ва халқ интеллигенциясининг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш мақсадида шу йилнинг май ойидан бошлаб касб байрамларини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказишга аҳд қилдик. Реконструкциядан кейин бу ерда бир йўла минглаб тошкентликларни қабул қила оладиган ажойиб дам олиш зонаси яратилди. Касб байрамларини ўтказишда ташкилотчилардан ташқари ижодий союзлар, министрликлар ва идоралар фаол қатнашмоқчиликлари лозим.

Давр тақозоси

А. В. ГОНЧАРОВА,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Яхши замонавий маросимлар қизиқарли ўтказиладиган бўлиб қолди. Улар ҳаётимизга кераклидир. Диний ақидалар ва анъаналарга қарши курашда янги совет байрамлари ва маросимларининг аҳамиятини ошириш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида партия меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича қўпқиррали фаолиятида ҳозир совет турмуш тарзининг ажралмас қирраси, жамиятнинг маънавий маданияти бўлиб қолган янгича социалистик анъаналар, маросимлар, байрамлар ва урф-одатларни шакллантириш, ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланишга катта аҳамият берилиши таъкидланди.

Байрамона кайфият. Ҳар қандай яхши ташкил этилган байрамда инсон касбдошлари, уларнинг жанговар ва меҳнат жасоратлари ҳақида талай янгиликларни билиб олади. Вақт касбдошлар ўртасидаги яхши муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу уларнинг маънавий бойлигига айланади. Ўтмишни қадрламасдан туриб, келажакка назар ташлаш қийин. Шаҳримизда «Пахта байрами, кўп болали оналарни нишонлаш, оила байрамларини ўтказиш анъанавий байрамларга айланиб қолганлиги тан олинмоқда. Улар янгича маъно касб этяпти. Турмушимизга сингиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ҳаётимизни байрамларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз умумдавлат ва халқаро маросимларни, ишчилар синфини, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларини улуғлашга бағишланган байрамларни тантанали ўтказяпмиз. Яхши уюштирилган байрам бир умрга ёдда сақланиб қолади. Улар ўзининг моҳияти билан турмушимизни янгича мазмун билан бойитиб туради. Одамлар ўртасида янги муносабатларни ўрнатишга яқиндан ёрдам беради, ёҳуд халқимиз орасида янги маросимларни туғдиради.

КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрар эканмиз, совет урф-одатлари ва маросимларининг социалистик турмуш тарзимизни ривожлантиришдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда касб байрамларини ўтказиш тажрибасини яна да[illegible]

Шу муносабат билан Тошкентда Ленин номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилаётган Касб байрамларини кўрдим. Ҳақиқатан ҳам ажойиб, ёрқин, ҳаётбахш тадбирлар. Ишлаб чиқаришнинг энг илғор вакиллари, ижодий ташкилотларнинг ижодкорлари, ёшлар, ветеранлар, ҳаммаси бир-бирини қизиқиб, ҳаяжонланиб кузатади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади.

Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади.

Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади.

Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади. Ҳаммаси ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурмат руҳида ўтади.

• *Сизнинг мулоҳазаларингиз*

ҲАМКАСБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Орифжон ИБРОҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» газета редакциясининг саҳифаловчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

— Касбим ўттиз йилдан зиёд вақтдан бери мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети босмахонаси ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективлари билан боғлаб турибди. Дастлабки устозларим М. Миртемиров, Ф. Йўлдошев мен учун энг қадрдон инсонлардир.

Бугун биз учун яратиб берилган шароитлар ҳақида фахрланиб гапиришни лозим топдим.

Матбуот куни коммунист, меҳнат ветерани сифатида мен учун ғоятда қадрдондир. Бу байрамимиз республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилиши қувонарлидир. Биз меҳнат ветеранлари ёшларга меҳнатсеварлигимизни ва касбга бўлган муҳаббатимизни мунтазам сингдириб боришимиз керак. Минбардан туриб касбимиз ҳақида ҳамма гапни айтиб бериш қийин. Лекин ҳамкасблар даврасида фикрларимиз ва режаларимиз билан баҳамжиҳат гаплашиб оламиз.

ЁДГОРЛИКДАГИ ГУЛЛАР



Серафим МЕЛЬНИКОВ,
журналистика ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Правда Востока» газетасининг ходими.

— Ленин кўчаси, 41-уйда жойлашган нашриёт комплекси территориясида муқаддас жой бор. У минглаб ёдгорликларнинг биридир. Бу ерда гуллар ҳамиша чаман бўлиб очилади. Улар орасида ажойиб ёдгорлик кўзга ташланади. Мармарларга Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида бошини она-Ватан тупроғига қўйган 23 журналист ва матбаачининг исм-шарифлари ўйиб ёзилган.

Кўпгина тошкентлик журналистлар фронтларда жанг қилдилар. Уларнинг айримлари туғилган диёрига қайтиб келолмади.

Орадан кўплаб йиллар ўтди. Биз Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаётирмиз. Журналистларнинг янги авлоди вояга етди. Янги газеталар ташкил этилди. Ёш, истеъдодли журналистлар давримизнинг, бунёдкорлик ишимизнинг солномачилари бўлиб қолишди. Лекин уруш йилларининг солномачилари номини ва жасоратини ҳеч қачон унутмаймиз.

— Ватан қаҳрамонлари, биз сизларнинг номингизни унутмаймиз!

• *Бизнинг интервью*

ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА



Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилаётган матбуот кунига тайёргарлик кўришда республика Журналистлар союзи ҳам актив фаоллик кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон Журналистлар союзи правленносининг секретари Х. Н. Назировдан бу байрам қандай ўтказилиши ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрадик.

— Бутуниттифоқ семинар-кенгашида совет турмуш тарзи, жамиятнинг маънавий маданияти фазилати бўлиб қолган социалистик анъаналардан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапирилди. Биз матбуот органларининг саҳифаларида ёритилган совет турмуш тарзи тўғрисида, унинг социал ва маданий жараёнлар ҳақида ёзилган кўплаб мақолаларни ўрганиб, СССР Журналистлар союзи аъзолари (улар республикамизда уч минг кишидан ортиқ) кўп минг сонли матбаачилар ва нашриётчилар армиясининг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб касб байрамини одатдан ташқари ўтказишга аҳд қилдик.

Бу байрамга барча — республика Журналистлар союзининг Тошкент ташкилоти правленноси, республика, область, шаҳар ва кўп нусхали газеталар, ЎзТАГ, журналлар ва нашриётлар бошлангич журналистлар ташкилотлари тайёргарлик кўришмоқда.

Вақт, ҳаётнинг ўзи байрамларни шунчаки расмиятчилик учун ўтказмасликни кўрсатиб бермоқда. Яқиндагина бўлган коммунистик шанбалик ўзининг такрорланмас, серқирра жўшқинлиги билан умумхалқ байрамига айланди. Яхши ташкил этилган ва ўтказилган бундай байрамлар янги жамиятнинг нафасини, янгича турмушни, одамлар ўртасида янгича муносабатларни рамзий шаклда ифодалайди.

Тўғрисини айтиш лозимки, матбуот вакилларининг диққатини жалб этиш мушкулроқ. Бу байрам ўзгача ранг-баранглик билан ташкил этилмоқда. Унда кўргазмалар ишлайди. Бу кўргазмаларни «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», республика комсомол ва пионер газеталари ва бошқа нашрлар коллективларни тайёрлашмоқда.

«Муштум» журналининг сатирикларн ва юмористлари «Справкалар бюросини ташкил этади, «Ёшлик» журнали редакцияси адиблар билан учрашувлар ташкил этади. Санъат усталарининг концерт программалари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар союзи ҳар йили бир неча конкурслар ўтказмоқда. Улар идеология ишларини таъсирчан ёритиш, социалистик мусобақани оммалаштириш, оммавий ишларни яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номли конкурс, «Пахтакорнинг олтин қўлларн» ва бошқа конкурслардир. Тантанали маросимда ижодий коллективлар ва журналистларга — 1984 йил конкурсларининг ғолибларига дипломлар ва ёрлиқлар топширилади. Булар кимлар? Бу бизнинг сир тутиладиган совғаларимиздир.

БАЙРАМ ЧОРЛАЙДИ

Бу йилги Матбуот байрами 4 май куни биринчи марта Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида кенг нишонланади. Сиз бу ерда касбдошларингиз, онла аъзоларингиз билан қизиқарли тадбирларнинг гувоҳи эмас, балки чинакам қатнашчилари бўласиз. Уруш ва меҳнат ветеранлари, илғор матбаачилар билан танишасиз. Сизларни бу ерда қизиқарли тадбирлар кутмоқда.

● Спорт майдонларида шахмат мусобақалари, майдончаларда эса болалар ўйинлари, ёзги кинотеатрларда бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти ўтказилади.

● Сиз шоирлар ва ёзувчилар билан учрашасиз.

● «Муштум» сатирик журналининг «Справкалар бюроси» ишлаб туради.

● Кинолекторий фойесида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган кўргазмалар, фотосуратлар, редакция коллективларининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар билан танишасиз.

● Китоблар, газеталар ва журналлар сотиш ташкил этилади.

● Кинозалда тантанали йиғилиш ўтказилади, Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, телевизион миниатюралар театрининг артистлари, «Табассум» радиожурналининг муаллифлари чиқишлари ташкил этилади, ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар кўрсатилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ.

Ўзбекистон ССРда яшаётган кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони бериш тўғрисида.

Ўн ва ундан кўп болани туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

Тошкент шаҳри бўйича

1. **Ғозиева** Насибага — уй бекасига, Куйбишев райони.
2. **Жанова** Сожи Олимовнага — уй бекасига, Ҳамза райони.
3. **Қурбонова** Муҳабадга — уй бекасига, Чилонзор райони.
4. **Сайдумарова** Мухаррамга — ишчига, Собир Раҳимов райони.
5. **Тошпўлатова** Насибага — уй бекасига, Октябрь райони.
6. **Ҳамдамова** Мазифа Хамидовнага — ишчига, Киров райони.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва. Кремль.
18 апрель, 1985 йил.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ташхимсельмаш» заводининг меҳнатчилари навбатдаги экспорт буюртмасини бажаришга киришдилар. Танзания қишлоқ хўжалиги ходимларининг илтимосига кўра бу мамлакат учун тўққизта чанглагич-пуркагичлар комплекти ва бошқа техника воситалари тайёрланмоқда. Тошкент корхонасининг маркаси туширилган бу машиналар Танзанияга биринчи марта юборилади.

•

Ўзбекистон Композиторлар Союзи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган ўзбек бастакорларининг корхоналарда учрашувларини ўтказмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шариф Рамазонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Хайри Изомов музика асбоблари фабрикаси ишчилари ҳузурида бўлиб, уруш йилларида кўрсатилган жасорат ва ижод қилинган музика асарлари ҳақида гапириб бердилар. Жангчи бастакорларнинг бундай учрашувн «Ўзбекпроектмебель» ва тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам ўтказилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

ТЕЛЕ

ДУШАНБА

9.00 «Время»
9.40 Футбол
10.10 Му...
совға»
10.40

№ 4 (215)

Бугунги «Халқ контроли саҳифаси» тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш масаласига бағишланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида қилган докладида таъкидлаганидек, «Бу — шу куннинг қатъий талаби бўлиб, уни совет кишилари ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида, ижтимоий ҳаёт ва турмушда, ҳар бир меҳнат ячейкасида, ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда тартиб бўлишини ҳам кўшиб, кенг маънода тушунадилар. Бинобарин, биз мамлакатда ана шундай тартиб мустаҳкамланиши учун бутун кучимизни сарфлаймиз».

КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари қарорлари жамиятимиз олдига бир қатор муҳим, долзарб вазифаларни қўйди. Буларни барча звеноларда интизомни мустаҳкамлабгина ҳал этиш мумкин.

Редакцияга келаётган хатларда шаҳар транспортининг бир маромда ишламаётгани, бир қатор маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, турар жой-коммунал бўлимларининг эскича иш режимлари аҳоли учун ноқулайлик туғдираётгани ҳақидаги масалалар тез-тез қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала кескин, принципиал тарзда қўйилган эди. Бу муайян маънода меҳнат коллективларининг раҳбарларига тааллуқлидир. Баъзи раҳбарларнинг лоқайдликлари, бепарволиклари туфайли шаҳарда ҳанузгача иш куни энг тиғиз пайтларда ҳам кўчаларда байрамона дам олиб юрган гражданларни учратиш мумкин. Ҳолбуки, ўша пайтда уларнинг дўстлари корхона ва муассасаларда фидокорона меҳнат қилишаётган бўлади. Улар эса магазинма-магазин ошиқишади, кафеларда ҳордиқ чиқариб ўтиришади. Бундай кишилардан меҳнат коллективи қонунларига биноан, виждонан қатъий туриб талаб этиш зарур.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 2-трамвай депосининг коллективи ишига халқ назоратчилари мунтазам эътибор қаратишади. Улар иш сифати ва самарадорлигини оширишга аҳамият бермоқдалар.

СУРАТДА: халқ контроли группасининг аъзоларидан (чапдан-ўнгга): мастер М. Ҳошимов, фрезерчилар бригадаси бошлиғи В. Шабельников ва план бўлимининг бошлиғи В. Зоренко КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган янги вазифалар ҳақида фикрлашмоқдалар.



• **Шаҳар халқ контроли комитетида**

ҚУЛАЙЛИК... ЎЗЛАРИ УЧУН

1983 йил январь ойининг охирларида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, медицина ва бошқа муассасалар ишининг янги режими графигини тасдиқлаган эди, бундан мақсад уларнинг аҳолига қулай вақтларда ишлашини тартибга солиш эди.

Ўша пайтда 3047 та савдо корхонасидан 2000 дан кўпроғининг иш режими қайта кўриб чиқилди, уларнинг иш куни бир-икки соатга узайтирилди. 190 та магазин дам олишсиз, узлуксиз иш ҳафтасига ўтказилди. 79 та магазиннинг кечки иш графиги навбатчи сифатида анча узайтирилди. Кўпгина маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, почта бўлимлари, паспорт столлари, ҳарбий комиссариатлар, ЖЭКлар, уй бошқармалари, ЗАГСлар, нотариал идоралар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқаларнинг иш режими аҳоли учун янада қулайлашди.

Аммо текширишлар шуни кўрсатдики, маиший хизмат кўрсатиш, савдо, юридик хизмат муассасалари, омонат кассалар, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлинмалари ва бошқа муассасаларнинг муайян қисми ҳамон аҳоли учун эмас, ўзлари учун қулай бўлган график асосида ишламоқдалар.

Бу нимага олиб келяпти? Энг аввало, юзлаб, минглаб кишиларнинг қимматли иш вақти йўқолишига олиб келяпти. Умуман шаҳарда фақат шу сабабга кўра 92517 киши-куни йўқолди. 1984 йилда 1983 йилга нисбатан «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», Экскаватор заводларида маъмурият рухсати билан ишга чиқмаслик ҳоллари кўпайди. Капитал қурилишда худди шу сабабга кўра 19605 киши-куни, шу жумладан «Главташкентстрой» да 7880 киши-куни йўқолди.

Халқ назоратчилари 267 та магазин ишини текширдилар. Шундан 90 проценти эскичасига, соат 9—10 ларда иш бошлаб, 18—20 ларда тугатмоқда. Шаҳарнинг иккита энг йирик магазинлари — ГУМ ва ЦУМда иш режими етарлича пухта ўйланмаган. Янги «Электроника» фирма магазинининг иш режими ҳам аҳоли учун ноқулай. Кўпинча белгиланган иш режимини магазин ходимларининг ўзлари бузмоқдалар. Улар магазинларни кеч очишиб, эрта беркитиб кетмоқдалар.

Назоратчилар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳар тўртдан бирида иш режими бузилаётганлигини аниқладилар. Кўпчилик қабул пунктлари ва устахоналарининг иш режими корхоналар ва ташкилотларнинг иш режимига тўғри келиб, улар билан бир вақтда иш бошламоқда ва бир вақтда тугатмоқда. Бу эса тошкентликларни анча қийнаб қўймоқда.

Куйбишев районида пойафзал ремонт қилиш устахоналари ва Октябрь районидаги 122, 434-устахоналар текширилганда ҳатто иш режими тўғрисидаги эълон ҳам йўқ эди. Бугина эмас, мастерларнинг ўзи ҳам йўқ эди. «Марказ—27» даги маиший хизмат кўрсатиш уйи устахонасида дам олиш куни ўзбошимчалик билан душанба ўрнига якшанбага кўчирилган. Кафанов кўчасидаги ва шу ердаги бозорда жойлашган пойафзал ремонт қилиш устахоналари эса берк эди. «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи қошидаги устахонада осиб қўйилган эълонда иш соат саккиздан бошланиши кўрсатилган бўлса-да, соат 8 дан 30 минут ўтганда ҳам усталардан биронтаси келгани йўқ.

Сартарошхонал а рда, радио ва телевизион аппаратураларни ремонт қилиш устахоналарида ҳам бу борада нуқсонлар мавжуд.

Соғлиқни сақлаш муассасалари иш режимида ҳам аҳвол худди шундай.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг поликлиникасида эса иш режими соат 8 дан 16 гача деб кўрсатилган. Ҳолбуки, барча илмий-тадқиқот институтлари ишни 17 да тугатишади. Демак, кишилар врачга ва дори-дармон қабул қилишга иш вақтида боришади.

Сергели районидаги 7, 13, 27, 39-поликлиникалар ва аёллар консультациялари ҳ д а иш режими бузилмоқда.

Шаҳардаги бир қатор поликлиникалар врачлар билан комплектланмагани учун беморлар тўпланиб қолмоқда. Масалан, 7-поликлиникада штатдаги 16 врач ўрнига бор-йўғи 5 та врач ишлаяпти. 17-поликлиникада текшириш куни соат 11 гача окулист, невропатолог ва отоларинголог қабулига ёзиш тўхтатилган эди.

Баъзи дорихоналар аҳоли учун эмас, ўзлари учун қулай пайтларда ишлаяпти. Масалан, 42, 77, 61-дорихоналарда шу пайтгача иш графиги ёзиб қўйилмаган. Текшириш чоғида эса тўрт фармацевт сабабсиз ишга келмагани аниқланди. 102, 104, 108 ва 122-дорихоналарда ходимлар иш режимини ўзбошимчалик билан ўзгартирганлар, уни бир соатга қисқартирганлар. Текшириш куни 142-дорихона соат 18 даёқ беркитилган эди.

Шунингдек, текширишда коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа муассасалари, омонат кассалар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқаларда ҳам иш режимини бузиш ҳоллари аниқланди.

Шаҳар халқ контроли комитетининг мажлисида шу нарса қайд этиб ўтилдики, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар иш режимини шу каби бузиш ҳоллари юқори ташкилотлар томонидан ва уларга қарашли идоралар томонидан етарлича назорат олиб борилмаётгани оқибатидир. Савдо Бош бошқармаси бошлиғи Ғ. Х. Мансуров, маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи М. З. Зуфаров, соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. С. Тўлагановларга уларга қарашли идораларда иш режими бузилаётгани кўрсатиб ўтилди. Улардан интизомни, иш графигини бузганларга нисбатан қатъий чоралар кўриш ва бу ишда тартиб ўрнатиш талаб этилди.

АКС САДО *Газетхонлар таклиф қилади*

«Тошкент оқшоми»га хатлар

Редакциямиз халқ назоратчилари ва прожекторчиларига анкета саволлари билан мурожаат қилган эди. Уларда меҳнат интизоми бўйича, ёқилғи, электр энергияси, газни тежаш, маиший хизмат кўрсатиш растаалари, сабзавот магазинлари, нон дўконлари ва бошқалар ишидаги нуқсонлар ҳақида ёзиб юборишлари сўралган эди.

Биз оқшомхонлардан ана шу мавзуларда кўпгина хатлар олдик. Қуйида улардан бир нечтасини эълон қиляпмиз.

Яқинда Собир Раҳимов районидаги «Қизил Ўзбекистон» маҳалласи кўчаларида симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Бу яхши ташаббус, албатта. Аммо район электр тармоқлари идораси электрчилар ўз ишларини қанчалик сифатли бажарганликларини назорат қилмади. Оқибатда кўп ишлар чалачулпа бажарилиб, айрим хонадонлар чироқсиз қолди. Бу ҳақда меҳнаткашлар бир неча бор илтимос қилишларига қарамай, ҳамон баъзи жойларда симлар осилганча турибди. Маҳалламизда монтёр йўқ. Ўз ишларини чала бажарган интизомсиз электрчиларни тартибга чақириб қўйиш вақти етмадимикин?

К. ЮМАЕВА,
республика миқёсидаги шахсий пенсионер, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

* * *

Биз истиқомат қилаётган Киров районидаги 8-кварталда маиший хизмат ёмон аҳволда. Лоақал, ҳар ойда икки марта кийимларни химиявий усулда тозалаш идорасига қарашли машиналар келиб, аҳоли оғирини енгил қилса, айни муддао бўлур эди. Кварталдаги 28-озиқ-овқат магазинига келтирилаётган ун ва ун маҳсулотлари — макарон ва вермишеллар сифатининг анча яхшиланишини истардик. Нон дўконида ҳам шундай манзарани кўриш мумкин.

М. АБДУРАҲМОНОВ.

* * *

Бизнинг «Яккасарой» маҳалласига яхши нон дўкони керак. Негаки, «Кормюлук» кўчасида кейинги вақтда анчагина кўп қаватли уйлар қурилди. Яқин орада нон дўкони бўлмагани сабабли аҳоли узоққа қатнашга мажбур бўляпти. Бу ҳақда ўйлаб кўрилса чакки бўлмас эди.

ЮНУСОВА, ҒОЗИЕВА, ЮСУПОВ, ТОШМУҲАМЕДОВА, ШОКИРОВ ва бошқалар.

* * *

Иш вақтининг қадри, тошкентликлар қаерда вақтларини йўқотишаётганликлари ҳақида назоратчилар группалари янада актив иш олиб боришларини истаймиз. Бизнинг 83-маршрутда графикка қатъий риоя этилмаётгани натижасида биринчи сменага ишга шошилаётган кўпгина корхоналар ишчилари қанчадан-қанча вақтларини йўқотишяпти.

Ж. МУҲИДДИНОВ,
Тошкент тажриба-экспериментал заводи ишчиси.

Редакциямиз Мўминов кўчасида истиқомат қилувчи М. Содиқова, Строительний кўчасида яшовчи С. Хабибуллина, Беруний кўчасида турувчи Маҳмудов ва бошқалардан анкета саволларига йўлланган жавоблар олди. Биз жойлардаги интизом, камчилик ва нуқсонлар, етилган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари н и ёзиб юборган барча халқ назоратчилари ва прожекторчиларга ташаккур билдирамиз.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

Газетхон Ҳ. Йўлдошев редакцияга хат йўллаб Сариқсув проездига тўкилган ахлат уюмлари олиб кетилмаётганлиги ҳақида шикоят қилган эди. Хат шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига юборилганди.

Бошқарма бош инженери А. Матвиенконинг хабар беришича, Сариқсув проезди ва 112, 196-болалар боғчаси атрофидаги чиқиндилар район «Автодормехбаза»си хизматчилари томонидан олиб чиқиб ташланган. Бугунги кунда хатда кўрсатилган территория тозаланиб, ҳар куни чиқиндиларни олиб кетиш юзасидан назорат ўрнатилган.

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Акмал Икромов райони

Район халқ контроли комитети маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат интизомини текшириш якунларини кўриб чиқди. Унда масалан, 20-сартарошхонанинг бир кун кечгача берк тургани, «Янгилик» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Фарҳод» ярмаркасидаги қабул пункти кеч очилгани, 47-турар жойлардан фойдаланиш участкасида паспорт ишлари бўйича гражданларни қабул қилиш кўнгилдагидек эмаслиги, 10-болалар поликлиникаси ишни кеч бошлаётгани ва бошқа бир қатор ташкилот ва муассасалар ишидаги интизомни бузиш муҳокама этилди. Юқоридаги нуқсонлар учун район Совети ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг мудири М. Саримсоқовга, 10-болалар поликлиникасининг бош врачи А. Величкога, 252-болалар комбинатининг мудираси Ғозиеваларга танбеҳ берилди.

Киров райони

Райпишчеторгнинг 4, 24, 32, 38-магазинлари, «Ташплодоовощч»нинг 1-хўжалик ҳисобидаги мактаб-магазини, 134-сартарошхона, 14-модалар ательеси, 37-турар жойлардан фойдаланиш участкаси, 2-«Кировец» ЖЭКи, 74, 163, 414-болалар боғчаларида иш режимига кўнгилдагидек риоя этилмаётгани аниқланди. Уларда меҳнат интизоми бузилганлиги учун райпишчеторгнинг 4, 24-магазинлари мудирлари М. Мирсолиев ва Абдуллаевга қаттиқ виговор берилди. 14-модалар ательеси мудири Бобохонова, 134-сартарошхона мудири Х. Умаров, 37-турар жойлардан фойдаланиш участкасининг бошлиғи Ж. Шерматов, 2-«Кировец» ЖЭКининг бош инженери Е. Фроловага коллектив ўртасида меҳнат интизомини етарлича назорат қилмаганликлари ва иш режими кўпол суратда бузилганлиги учун виговор берилди. Бошқа айбдор шахслар ҳам тегишлича жазоландилар.

Куйбишев райони

Район халқ контроли комитети «Ташавтоматика» ва грампластинкалар заводларининг маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома интизомига қандай риоя этаётганликларини кўриб чиқди. «Ташавтоматика» заводи 1984 йил ва шу йилнинг икки ойлик давлат планини уддалай олмади. Шартнома мажбуриятлари бўйича топшириқ ҳам адо этилмаётир. Бу йилги план ва топшириқлар ҳам бажарилмаяпти. Завод раҳбарлари тегишли чора-тадбирлар кўришмаяпти.

Тошкент грампластинкалар заводи 1984 йилда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини 99,4 процент бажарди. 189 минг сўмлик маҳсулотни кам берди. Номенклатура бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбурияти бажарилмади. Январь-февраль ойларида 300 мингдан зиёд грампластинкалар кам берилди. Бу нуқсонлар учун «Ташавтоматика» заводи директори И. К. Волошинга виговор, бош инженери М. С. Степанченкога қаттиқ виговор берилди, уларга бир ойлик маоши ҳажмида жарима солинди. «Грампластинка»лар заводи директори Ю. В. Кротковга виговор берилди.

Ленин райони

Район халқ контроли комитети маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иш режимини такомиллаштириш бўйича партия ва ҳукуматимиз қарорлари қандай бажарилаётганлигини текшириш якунларини кўриб чиқди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг барча корхоналари асосан аҳоли учун қулай бўлган янги иш режимига ўтганлиги таъкидланди.

Бироқ, айрим корхоналар раҳбарлари бу муҳим ишни ўз қолига ташлаб қўйганликлари ҳоллари очиб ташланди. Бунда халқ контроли группалари белгиланган иш режимини бажариш устидан янада қатъийроқ назорат ўрнатишлари кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Белгиланган иш режимини бузиш ҳолларига йўл қўйганлиги учун район модалар ательеси бўйича Н. А. Берегова, район пойафзаллар ремонти бўйича Г. Х. Юсупов, «Ташпрокатразнобит»нинг қабул пунктлари бўйича А. В. Муселимиш, район сартарошхоналари бўйича Н. К. Авагемова, район фотосалонлари бўйича М. Х. Шварцман, район «Зангори экран» қабул пунктлари бўйича масъул бўлган Б. Н. Авазовлар огоҳлантирилдилар.

Октябрь райони

49, 55, 29, 6-турар жойлардан фойдаланиш участкаларида меҳнаткашларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби бузилаётгани тўғрисидаги масала Октябрь район халқ контроли комитетида кўриб чиқилди. Ўтган йили 1114 та ариза ва шикоят тушган, бу 1983 йилга нисбатан икки баробардан зиёдроқ кўпдир. Район уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трестида бунинг устига келган шикоятларни қайд этиш учун махсус дафтарча юритилмаган. Бунинг оқибатида 76 та такрорий тушган шикоятни белгилаш ва унинг сабабларини аниқлаш имконияти бўлмаган.

Бу ерда сансалорлик одат тусига кириб қолган. Хуллас, трестда шикоятларни текширишдек муҳим ишга юзаки қаралган. Меҳнаткашларнинг оғзаки шикоятларига ҳам эътиборсизлик ҳоллари рўй берган.

Район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг хат ва аризалари билан ишлашни бўшаштириб юборганлиги, уларни ўз вақтида кўриб чиқмагани ва тадбирлар кўрмагани учун 55- ва 29-турар жойлардан фойдаланиш участкаларининг бошлиқлари К. Зокиров ва Ш. Абдураҳмоновларга танбеҳ берди. Район Совети ижроия комитетининг қарори билан район уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация тресги бошқарувчиси Рустамов, хат ва аризалар билан ишлаш учун масъул бўлган шу трест бошқарувчисининг ўринбосари Черкашин лавозимларидан четлаштирилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

4. ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

ЁКИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАЕРДА ВАҚТЛАРИНИ ЙЎҚОТИШЯПТИ?

Луначарский марказида доимо одам гавжум. Бу ерда кичкина бозорча, магазинлар бор. Автобус бекатлари уларнинг ёнида жойлашган. Ҳатто иш соатларида ҳам бозор ва магазинларда одам гавжум бўлаверади. Хўш, улар кимлар! Рейд бригадаси шуни текширишга аҳд қилди.

СОАТ 15.10. «10—88 ТНЛ» номерли «Москвич» келиб тўхтади. Ўзбекистон ССР бўйича қишлоқ хўжалик экинларини саралаш инспекторлигининг ходими И. Я. Гучкина рулда эди. Қўлига сумка олиб, дўкон томонга юрди.

— Қаёққа боряпсиз, Ирина Яковлевна?

— Кўкат олгани.

— Иш вақтида-я?

— Нима қипти? Ахир, мен йўл-йўлакай...—Унинг кўзларидан таажжубланганлари сезилиб турибди. Эҳтимол, иш вақтида бозорма-бозор юриш унга одат тусига кириб қолгандир, бизнинг саволимиз унга эришроқ туюлди.

СОАТ 15.30. Ҳайдовчи Х. Д. Сариев «96—59 ТШЛ» номерли УАЗ—452 автомобилида (бу машина «Таштранссельхозхимия» область корхонасига қарайди) Куйбишев район ички ишлар бўлимининг участка инспектори Тўйчиевга холодильник олиб бориб бермоқчи бўлиб турганида рейд қатнашчилари унга халақит берди.

СОАТ 15.35. Ҳайдовчи В. Карабеков «16—02 ТНЛ» номерли ИЖ—2715 машинасида (бу машина «Промвентиляция» Тошкент монтаж бошқармасининг 3-участкасига қарайди) нонини сотишга келаётган бозорчини элтиб қўйди.

— У менинг қўшним бўлади. Илтимос қилган эди, йўқ дея олмадим, — деб ўзини оқлади у.

— Қўшнингиз бўлса, қани исм-шарифини айтингчи?

— ...

Биз «Тез ёрдам»нинг қанчалик иши тиғизлигини яхши биламиз. Зотан, унга келаётган шикоятлар ҳам оз эмас. Гоҳида «Тез ёрдам»ни бир соат ёки ундан ортиқ вақт кутишга тўғри келади.

СОАТ 16.30. «Тез ёрдам» машинаси Луначарский марказига келиб тўхтади. «54—02» ТНА номерли бу машина ҳайдовчиси А. Алиев врач Васильева билан бирга магазинга киришди. Ундан чиқиб, йўлдан ўтиб бошқа магазинга киришди.

— Нима излаяпсизлар? — деб сўрашди назоратчилар.

— «Тошкент суви»ни.

Рейд қатнашчилари бироз ҳайрон бўлишди. Саноат моллари магазинларида «Тошкент суви» нима қилсин, ахир?

Эҳтимол, шу пайтда «Тез ёрдам»га қўнғироқлар бўлаётгандир. Диспетчер эса уларни юпатиш учун шундай деяётгандир: «Ўртоқлар, ахир бизни ҳам тушунсангларчи, машина бўшаши биланоқ сизларга юборамиз».

СОАТ 16.40. Йўл тиқилинч. Ҳайдовчилар ҳайқириб-чақириб, шовқин солишади. 2519-автоколоннага қарашли «04—92 ТНУ» номерли ЛАЗ—695 автобуси йўлни тўсиб қўйган. Ҳайдовчи Д. А. Мадиусмонов ўртоқлари билан биргаликда кондиционер сотиб олибди. То уни автобусга жойлаштиришгунча, машиналар йўлда тиқилинч бўлиб кетибди. Машиналарнинг сигналлари қулоқни қоматга келтиради.

СОАТ 17.15. «Ўзбитавтотранс»нинг 1-автобазасига қарашли «34—17 ТНА» номерли автобусда Б. Р. Рустамов рафиқасини бозорга олиб келди. У эса кўкатлар харид қилди. Албатта, тайёр машинада бозордан зарур нарсани олиб кетиш яхши, бироқ автобаза раҳбарлари ва коллективи бозорга келиб-кетиш учун бу ҳайдовчи давлатнинг қанча бензинини сарф қилганини билишармикан?

Одатда, бухгалтерлар жуда синчков бўлишади. Улар ҳар бир тийинни жой-жойига қўйишади. Бироқ, пиво заводининг бухгалтери Куриленко давлат тийинларини эмас, балки ўз тийинларини жуда эҳтиёт қилиб жой-жойига қўяр экан. «Узпишчепромтранс» автотранспорт корхонасига қарашли «45—73 ТНС» номерли машинада у Луначарский марказига эски телевизорини топширгани ва янгисини сотиб олгани келибди. Машина уни бир соат кутиб турди. Бу орада у ўзига ёққан телевизорни харид қилди. Аммо коллектив талаб этмагунча бухгалтерия ҳужжатларида бу жараён ўз ифодасини топмаса керак, албатта.

Иш вақтида «Хўжалик буюмлари» магазинига бир неча хотин кириб келди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг «Уэстройтеплица» тресги бошқармасида ишлашар экан. Танишдик. Л. М. Казанцева — бош бухгалтер, В. М. Трусова — план бўлимининг бошлиғи, Е. Г. Ни — кассир бўлиб ишлар экан. Улар Сергелида жойлашган бошқармадан автобусда йўлга чиқиб банкка келишган, банк эса шаҳар марказида, Свердлов номли концерт залининг ёнгинасида жойлашган. Улар бизга йўл-йўлакай Луначарский марказидан ўтдик, деб баҳона қилишди. Рейд қатнашчилари эса бу лофга ишонишмади. Негаки, бу лоф Чирчиққа бориш учун Бухорони айланиб келиш билан тенг, албатта. Уларнинг баҳонасига ҳеч ким ишонгани йўқ. Шуниси қизиқки, улардан биронтасининг ҳам хаёлига «Меҳнат интизомини бузяпман» деган фикр келгани йўқ.

Рейд қатнашчиларининг диққатини «Севастопольская» бекатида жойлашган «Тошкент» фирма-магазини тортди.

СОАТ 11.35. Магазинга 116-сартарошхона сартароши О. В. Дорошенко кирди. Ольга Викторовна бизнинг саволимизга нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолди.

СОАТ 12.10. «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери Н. В. Кравцова магазиндан чиқиб келаётган эди. Уларнинг ишхонасида танаффус соат 12 дан 13 гача эканлигини билардик. Наталья Викторовнанинг ишхонадан магазинга 5 минутда бориб келиши учун мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра у олимпиада чемпионларидан ҳам уч баравар тез югуриши лозим эди.

Бу ерда оқшомхонларнинг кўплаб хатларини эслатиб ўтиш ўринли. Улар ҳаққоний равишда ёзганларидек, масалан сут ва сут маҳсулотларини одамлар ҳали ишга бормасидан олдинроқ, яъни саҳардан сотишни уюштириш керак. Ёки ишдан кейин ташкил этиш керак. Камчил моллар савдоси ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдиришган. Энг яхшиси, ишдан сўнг бундай моллар савдосини ташкил этмоқ ўринли бўлур эди. Негаки, шундай қилинганда кун бўйи магазинма-магазин юрадиган бекорчилар эмас, балки ишчи-хизматчилар харид қилган бўлишарди. Ҳолбуки, савдонинг ҳозирги аҳволи интизомни мустаҳкамлаш борасидаги барча интилишларимизга зид келмоқда: айни иш қизғин вақтда пештахталарга тақчил молларни қўйиб қўйиш меҳнат интизомини бузишга мойил шахсларга жуда қўл келяпти. Савдо ходимлари бундай молларга ўч бўлганларга ва ана шундай интизом бузилишларига ғов қўйиш тадбирларини ўйлаб кўрмоқлари лозим.

Рейд материали газетага тайёрланаётганда кўпчилик коллективлардан номлари тилга олинган шахсларга тегишли чоралар кўрилгани ҳақида хабар олдик. Жуда тўғри қилинган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида таъкидлаб ўтилганидек, тартиб ва интизомни йўлга қўйиш ўн биринчи беш йиллик режаларини ҳеч сўзсиз бажаришга қаратилмоғи керак. Вақт эса оз қолди. Ҳар бир иш дақиқасининг қадрига етиш ва ундан самарали фойдаланиш даркор.

К. ЗАРЖИЦКИЙ, Куйбишев район халқ контроли комитети раисининг ўринбосари;

В. АРУТЮНЯН, ГАИнинг катта инспектори;

Т. ДАГЖИ, «Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

БОШ ГРУППАЛАРДА

ТЕЖАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси назоратчилари, прожекторчилари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига жавобан, КПСС XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун иқтисод ва тежамкорлик учун курашни тобора кучайтирмоқдалар. Хом ашё материал ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаб сарфлашда ўзлари шахсан намуна кўрсатмоқдалар. Хўжасизлик, интизомсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бориш, бу ерда халқ назоратчиларининг бурчига айланиб қолган.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш ташаббусчорларидан В. Кияшченко, А. Бобожонов, Н. Маннопов сингари беш йиллик зарбдорларининг иш тажрибаларини бошқалар ўртасида кенг ёймоқдалар. Айни пайтда бу борада социалистик мусобақадан ортда қолаётган айрим цех ва участкаларда ўз фаолиятларини кучайтирмоқдалар.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат коллективлари иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатида кўнгилдагидек натижаларга эришишида халқ назоратчиларининг ҳиссалари катта бўляпти.



Ҳар бир корхона ва ташкилотда хўжаликни оқилона юритиш, экономика самарадорлигини ўстириш учун тегишлича тартиб-интизом ўрнатиш масаласини ўртага қўйган партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми барча коммунистлар, комсомоллар, халқ назоратчилари — бутун меҳнат аҳлининг вазифаларини конкрет белгилаб берди. Сифатга эътибор бериш бугунги муҳим шиор эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-тўқув фабрикасида ҳам назоратчилар иқтисод ва тежамкорлик, маҳсулот сифати учун актив курашмоқдалар. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғаларини тайёрламоқдалар.

СУРАТДА: назорат-саралаш цехининг бригадири Қ. Абдурасулова (ўнгда), назоратчи Маъмура Ҳалимовага сурп сифати устидан назоратни янада кучайтириш тўғрисида йўл-йўриқлар бермоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Адабиёт ва санъат

• Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

Марокли учрашув

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига йиғилган студентлар ва ўқувчиларнинг қалблари ғурурга тўлган. Улар Улуғ Ватан урушида қатнашган ўзбекистонлик ёзувчилар, журналистлар, шоирлар, ўзбек аёллари —биринчи тўпчилар, учувчилар, эвакуация қилинган болаларга ота-оналик қилган кишилар билан учрашмоқдалар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, собиқ учувчи ва ёзувчи Борис Тихомолов совет учувчиларининг мисли-сиз қаҳрамонлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди.

Кўксини орден ва медаллар безаб турган аёл минбарга кўтарилганда гулдурос қарсаклар янгради. Бу аёл биринчи тўпчи Азиза Қаландарова эди. У 1942 йил «Правда Востока» газетасида босилган ватанпарварлик чақириғига биринчилар қаторн қўшилган. А. Қаландарова энг оғир жангларда танкларни ўз тўпи билан яксон қилди.

Учрашувда Улуғ Ватан урушн қатнашчиларидан адиблар Т. Рустамов, Ю. Ковалев, Илёс Муслим, С. Анорбоев, Борис Пармузин, учувчи А. Ганзюк, ҳарбий врач С. Ёқубова, Т. Коробко, М. Ғиёсова, Е. Леонтьева каби ўттизга яқин уруш ветерани жанг хотиралари ҳақида сўзлаб бердилар.

К. ЭРДОНОВ.

Александр ЧАКОВСКИЙ



—29—

Рузвельт ўзини диққат билан тинглаб ўтирган Сталинга тикилиб турар экан, Америка ва Англия делегацияларини Совет— Герман фронтидаги аҳвол билан таништиришни илтимос қилиб сўзини якунлади.

Сталин шу заҳотиёқ жавоб қайтарди:

— Ўйлайманки, ҳарбий аҳвол ҳақида Бош штабимиз бошлиғи армия генерали Антонов ҳисобот бериши мумкин. Андак сабр қилсангиз... Ҳозир тушунш осон бўлмоғи учун ҳарбий харитлар олиб кирилади.

Уч совет офицери ўрам-ўрам хариталарни олиб кириб стол устига ёйдилар.

Новча, ўктам генерал қўлига ёғоч кўрсаткич олиб стол ёнига келди-да, гапира бошлади:

— Январь ойида совет қўшинлари Неман дарёсидан Карпат тоғларигача бўлган 700 километр оралиқда ҳужумга ўтдилар, ҳам-

—30—

да 45 немис дивизиясини тор-мор қилдилар. Оқибатда немисларнинг 300.000 аскари нобуд бўлди ва юз мингн асир тушди.

Антонов ҳисобот чоғида харитага бот-бот мурожаат этиб, асосий зарба йўналишларини, немисларнинг мудофаа истеҳкомларини кўрсатиб борарди.

Ҳа, Рузвельт ҳозир Антонов айтган ҳамма гапларни тўла эслай олмайди. Лекин шу нарса бегумонки рус генерали фронтдаги аҳвол, Қизил Армия қўмондонлигининг стратегик ва тактик мушоҳадалари ҳақида рўй-рост, очиқ-ойдин гапирди. Бу президентга қаттиқ таъсир этган эди. Генералнинг ҳисоботи президентнинг ростгўйлик ва сидқидиллик ҳақидаги даъватига жавоб эди.

Рузвельт вақти-вақти билан Черчиллга разм солар, ҳисобот унга қай тарзда таъсир этаётганини билмоқчи бўлардн. Черчилль эса тутаб турган сигарини лаби-

—31—

нинг бир чеккаси билан қимтиб, харитага тикилганн тикилган эди.

«Нима ҳам дердим, — деб ўйладн президент. — Унинн ҳамиша ўзини ҳарбий салоҳиятн бор одам деб ҳисоблайдн-ку...»

Антонов докладнн тугатгандан кейин чеккароқдаги кичкина стол ёнида ўтирган совет офицерн қўл остидаги папканн очиб, инглиз тилида машинкада ёзилган текстларни олдн ва бу ҳужжатларни аввал Рузвельт, кейин Черчилль олдига қўйди.

— Ҳозир Бош штаб бошлиғи айтган гапларининг ёзма текстини сизга ҳавола этдик, — деб тушунтирди Сталин.— Фурсатингиз бўлганда ўқиб чиқарсиз. Савол-ларингиз бўлса, марҳамат.

Рузвельт сукутда эди. У таассуротлар гирдобида. Мана ҳозир генерал бир қадар қуруқ, лўнда ҳарбий тил билан гапириб берди.

—32—

Президентнинг тасаввурида эса қирғинбарот жанглар гавдаланди. Президент тўплар гулдуросин, авиация моторларининг гувуллашини эшитгандек, уруш кулгаларини кўргандек бўлди. У ҳозир бир неча-кундузда 30 километр йўл босиб ҳужум қилиш русларга қандай талафотлар эвазига келганини сўрамас, Қизил Армия Одер дарёсини мечиб ўтиб душманнинг ўнлик қўшинларини ўраб олгани ва мажаглаб ташлагани нималар эвазига бўлганини сурштиришни ўзига эп кўрмасди. Сурштиришнинг сабаби бор эди. Чунки у фахмлаб турар эди-ки, бу ҳужум оқибатида минг-минглаб қурбонлар берилган ва бу талафотлар олдида Америка ва Англия қўшинларининг муваффақиятн денгиздан томчидир.

Аксинча Черчилль булбулигўё бўлиб кетди. Сталин тин олишн

—33—

билан у русларга қараб саволларини дўлдай ёғдира кетди. Бош министр Сталиндан Италиядаги 8 фашист дивизиясини Совет фронтига ўтказиш учун немисларга қанча вақт керак бўлишини сурштирди. Немислар ана шу чоранн кўрмаслиги учун қандоқ йўл тутиш керак! Люблин орқали иттифоқдошларнинг бир қисм қўшинини Қизил Армияга ёрдам учун жўнатиш лозимми ёки йўқми! Бу операция учун қанча вақт керак ва бу ишда кеч қолмадикми! Бош министр бу масалаларни Ялтага келган штаб бошлиқлари муҳокама қилишсин, деган таклифни киритдн.

Рузвельт аччиғи келиб ҳамонки Черчилль шундай таклиф киритар экан, бу масаланн ҳозирги мажлисда муҳокама қилишнинг нима ҳожати бор, деб ўйладн, лекин ҳарқалай, Черчиллнинг таклифини маъқулладн ва бунга

—34—

нлова қилиб айтдн-ки, иттифоқчиларнинг қўшинлари орасидаги масофа кун сайин камайиб бораётганлиги туфайли, штаблар ўртасидаги алоқа жуда муҳим бўлиб қоладн.

— Бу тўғри, — луқма ташладн Сталин.

...Яна нималар муҳокама қилинган эди!

Кўп масалалар! Генерал маршал иттифоқчилар қўшинларининг ҳарбий операцияларини шарҳлаб берди. Шундан кейин Сталин иттифоқчиларининг қўшинлари Қизил Армиянинг ғарбга ҳужумида қандай ҳаракатлар билан ва қайси йўналишларда ёрдам бериши мумкинлигини аниқ-равшан таъриплаб берди ва шу заҳотиёқ савол берди:

— Иттифоқчиларда Совет Армиясининг ҳаракатларига онд қандай истаклар бор!

—35—

Бунга жавобан Черчилль Совет Армияси шаънига ҳамду — санолар айтиб, унинг қудратидан лол қолганини айтдн. Рузвельт шундай хаёлга бордн-ки, бу ҳамду-сано Сталинни ўнғайсизлантирдн.

—Бу истак эмас-да,—дедн Сталин қуруққина.

Кейин кўзларини бироз қисиб, Черчилль бунчалик миннатдор бўлаётган Қизил Армиянинг қишки ҳужуми Теҳрон музокараларн пайтида назарда тутилмаган эди, деб қўшиб қўйдн. — Биз бу ҳужумни иттифоқдошларимиз олдидаги ўртоқларча бурчимизни бажариш деб қараймиз... Мен шуни истар эдим-ки, иттифоқдош ҳукуматларнинг арбобларн бир нарсани ҳисобга олсалар: Совет кишилари фақат ўз мажбурнятларини бажарибгина қолмасдан, балки имконияти борича маънавий бурчларини ҳам адо этишга тайёрлар.

—36—

Сталин Черчиллнинг бир мактубн хусусида тўхталиб ўтдн: Унда Черчилль руслар январь ойида ҳужумга ўтиш имкониятини топмасликнилар, деб сўраган эдн.

— Мен бунн шундоқ тушундим-ки, — деб уқтирдн Сталин, — Черчилль ҳам, Рузвельт ҳам мени ҳужумга ўтинг, деб сўрашмаса ҳам, балки андишанстеҳола билан гапиришган эдн. Лекин Совет раҳбарларн, ҳарбий қўмондонлик иттифоқдошлар учун бизнинг ҳужуммиз зарурлигини билиб турар эдилар. Шу боисдан бу ҳужумни бошладик. Бу ҳужум ўзимиз белгилаган муддатлардан анча илгарн бошландн.

...Ҳа, руслар ўзларининг маънавий бурчларини адо этадилар.

●

Президентнинг колясканнн Сталин кабинетига Чарльз Болен ва Майк Рилли олиб киришди.

—37—

Прттиман остонада қолдн.

Сталин хона ўртасида турар, унинг таржимони Павлов очиқ блокнотнни ушлаганича, девор олдида тик қотиб турардн.

Кореиз саройнга келаётганида Рузвельт Сталининг резиденцнясн Ливадня саройига қараганда анча кўркмсиз эканини илғаб олдн. Резиденция атрофидаги пастқам уйларни кўриб Сталинга ҳамроҳ бўлган кишилар ана шу уйларда дурустгина ўрнашиб олган бўлсалар керак, деб ўйладн.

Рузвельт резиденцияга кираркан Сталин ортиқча ҳашам ва ҳузур-ҳаловатга мутлақо эътибор бермаганини англади. Кабинетга коляскада кириб борар экан, мнясига яна шу фикр келди. Чоғроққина хонанинг жиҳозларн ниҳоятда содда эдн. Катта иш столининг пастки тумбаларн

[Давомн бор].

—38—

— устуилари бироз титилиб кетган.

Деворга бир неча стул тақаб қўйилган. Столнинг икки тарафида иккита кресло. Уларнинг ёнида энсиз ва кичикроқ яна бир стол. Унинг устига харитапар ёйиб қўйилган.

— Таклифимни инобатга олганингиздан миннатдорман, жаноб президент, —дедн Сталин колесска томон юраркан.— Шунга ишончингиз комил бўлсинки, икки ўртадаги суҳбат мавзуини ҳозирча сир сақлаш заруратн туфайли, сизни бир қадар уринтиришга журъат этдим.

[Давомн бор].

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
29 АПРЕЛЬ 1985 й.

Китоб жавонингизга

ДАЪВАТКОР ШЕЪРИЯТ

Улуғ Ватан уруши кўпмиллатли халқимиз учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам синов бўлди. Коммунистик партия «Ҳамма нарса фронт учун», «Ҳамма нарса ғалаба учун» шиори остида мамлакатимизнинг барча иқтисодий ва маънавий ресурсларини душманга қарши курашга қаратди. Бу жанговар даъват идеология фронти ходимларини, жумладан, сўз санъаткорларини ҳам фашист босқинчиларига қарши курашга сафарбар этди.

«Ўқитувчи» нашриёти чоп этган Ў. Нурмуҳамедовнинг «Жангчи шоирлар ижодида ҳарбий ватанпарварлик» деган рисоласи ҳам бутун қуч-қудратини ва истеъдодини ёвуз душманга қаратган, «бир қўлда қурол, бир қўлда қалам» билан жанг майдонларида мислсиз жасорат кўрсатган жангчи-шоирларнинг ижодига бағишланади.

Рисолада жангчи-шоирларимиз Султон Жўра, Ҳасан Саид, Қодир Имомов, Бурҳон Тўра, Султон Акбарий, Назармат, Тўғон Эрназаров, Адҳам Ҳамдам, Ёнғин Мирзо, Шуҳрат, Раҳимжон Сатторов ва бошқалар ижоди ҳақида фикр юритилади. Бу жангчи-шоирлар поэзияси давр талаби билан майдонга келди. У мамлакат ичкарисидаги катта адабиётнинг узвий қисми бўлиб, жангчиларни ғалаба сари илҳомлантирди, фронт орқасида эса меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди, ижод бобида мавжуд анъаналарни давом эттириб, уни янги мазмун ва образлар билан бойитдн.

Бу даъваткор поэзия адабиётнинг халқ ҳаёти билан алоқасини ҳар қачонгидан кўпроқ жипслаштирди. Унинг ютуғи шоирларнинг бевосита жанг майдонларида қатнашиши ва урушнинг бутун даҳшатини ўз кўзи билан кўришдан ташқари, уни қалбдан ҳис этиб ижод қилганлиги билан боғлиқ. Жангчи-шоирлар поэзияси заминида асосан уруш воқелиги турсада, унинг тематик доираси коммунистик партия ва В. И. Ленин, халқ ва Ватанга муҳаббат мавзуларини ҳам ўз ичига қамраб олди.

Рисола адабиёт ўқитувчилари ва адабиёт масалаларн билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ш. КАЗАКОВ.

ЎША СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДА

Тошкент Улуғ Ватан уруши даврида

Ш. ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

«Кўкка совурилганда шаҳарлар кули,
Осмонга учганда
мажруҳ қишлоқлар
Олис-олислардан буюк,
қадимий
Юлдуздек порлади Тошкент у
чоқлар.

Ҳа, чиндан
у меҳр юлдузи эди,
Бутун ер юзининг энг саҳий шаҳри.
Ғамдан юрак-бағри қон бўлиб
Тошкент
томоқ оқди жабр кўрганлар барн.
Унутмоқ мумкинми ўтган у кунлар
Сенинг меҳринг билан суюклигинни,
Сўнмас чироқларинг знёларини,
Сенинг оддий буюклигингни»

Таниқли совет шоираси Юлия Друнина ўзининг «Тошкент» шеърида халқлар дўстлиги ва қудратининг улуғворлиги, совет кишиларининг юксак маънавий фазилатлари, уларнинг олижаноблиги ва бениҳоя эзгуликлари, инсонийлиги ҳақида шундай ёзганди.

Бугунги Тошкентнинг кенг кўчалари бўйлаб юрганда, совет Ўзбекистони пойтахтининг гўзаллиги ва улуғворлигидан кўз қувонганда унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги манзарасини тасаввур қилиш қийин. Ўшанда, урушнинг суронли кунларида ҳаммаси бошқача эди. Ҳарбий вазият шаҳар қиёфасида, тошкентликларнинг юз-кўзларида, вақтидан тез вояга етаётган болаларнинг нигоҳларида ҳам намоён эди. Уруш нафаси, унинг қийинчиликлари, ҳавфи ҳамма жойда билиниб турарди. Кўплаб тошкентликлар урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фронтларда жанг қилиб совет жангчиларининг қаҳрамонлик шуҳратига шуҳрат қўшишди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлган 300 дан ортиқ ўзбекистонлик жангчининг 93 таси фронтга қадрдон шаҳарлари— Тошкентдан йўл олишганди. Улар 1418 кун ва тунлик оғир урушни ўз бошларидан кечирдилар. Одамлар тўйиб овқат ейишмас, тўйиб ухлашмас, бутун куч-ғайратини ишга солиб туну-кун меҳнат қилишарди. Уруш ҳар бир совет кишиси, ҳар бир корхона, бизнинг бутун совет ижтимоий ва давлат системамиз бардоши, сабот ва матонати учун аёвсиз имтиҳон бўлган эди. Уруш барча совет органларининг зўр бериб ишлашини тақозо этди. Уруш йилларида советларнинг улуғвор афзалликлари янада ёркин намоён бўлди.

Фронтдан олисда бўлган шаҳримиз ҳаёти ҳам фронтдагидек суронли эди. Кўчаларда одамлар кам кўринарди. Енгил автомашиналар деярли йўқ эди. Пассажир трамвайлари ва юк машиналари транспортнинг асосий турн ҳисобланарди.

Кўпгина мактаблар бирлаштирилган ҳолда бир неча сменада иш олиб борар, бўшатилган мактаблар эса госпиталлар ва касалхоналарга айлантирилган эди. Корхоналар кечаю-кунуз ишларди. Уларнинг кўпчилиги фронт олди районларидан кўчириб келтирилган бўлиб, қисқа вақт ичида янги жойда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Тошкент шаҳар Совети қабул қилган қарорлардан бирида (1941 йил, сентябрь) шундай кўрсатма берилган эди: «... кўп кишилик мажлислар, узоқ давом этадиган йиғилишлар, ҳар бир масала бўйича кўплаб резолюциялар қабул қилишдан воз кечиш зарур, шаҳар ва район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ва депутатлари олдида турган вазифаларни бажариш бўйича барча масалалар тез ва оператив ҳал этилсин». Советлар аппарати уруш даври талаб этган шароитларда ишлаш бўйича форма ва методларни қўллаш юзасидан юксак эпчиллик, алоҳида дадиллик ҳамда уюшқоқлик кўрсатдилар. Шаҳар ва Тошкентнинг район Советлари ҳал этган вазифалар орасида қуйидаги тадбирлар айниқса муҳим аҳамият касб этган эди: маҳаллий саноат ишини ҳарбий изга ўтказиш; эвакуация қилинган олий ўқув юртлари, илмий ва бошқа муассасалар ҳамда граждапларни шаҳарда жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш, маблағ ва воситаларни фронт мақсадлари учун сафарбар этиш; ишчи кучларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш; фронтчиларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштириш, эвакуация қилиб келтирилган болаларни боғчаларга жойлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва Ватан урушн инвалидларига ғамхўрлик кўрсатиш; аҳолини озиқ-овқат, ёнилғи ва саноат моллари билан таъминлаш.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати СССРнинг Европа қисмидан Шарққа бир ярим минг саноат корхонаси, юз минглаб станоклар, миллионлаб ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини рекорд даражадаги қисқа муддатларда кўчириш бўйича миқёси ва аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган улкан вазифани ҳал этдилар. Бу корхоналарнинг бир қисми Тошкентга келтирилиб, дастлабки составларда жиҳозлари келишидан бир ой ўтар-ўтмас тайёр маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Ишчилар синфининг бу жасорати ҳайрат ва фахр-ифтихор уйғотади. Бошқа пайтларда бундай йирик заводларни қуриш ва ишга тушириш учун бир неча йиллар зарур бўларди.

Шаҳар Совети ижроия комитети кўчириб келтирилаётган корхоналар ва уларнинг коллективлари учун ишлаб чиқариш, маиший ва уй-жой майдонлари тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни кўрдилар, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатдилар, меҳнаткашларнинг энг долзарб эҳтиёжларини таъминлаб турдилар. Саноат корхоналари ва уларнинг коллективлари билан бирга Тошкентга бир қатор ҳарбий академиялар, институтлар, театрлар, консерваториялар, киностудиялар ҳам эвакуация қилиб келтирилди. Ўша йилларда бир неча ой ичида шаҳар аҳолиси уч баровардан зиёдга ошиб кетди. Бир миллиондан ортиқ эвакуация қилинган аҳолн, шу жумладан 200 минг бола шаҳарда жойлаштирилди. Тошкентда кўплаб атоқли совет олимлари, ёзувчилари ва санъат арбоблари яшаб ижод қилдилар. Улар орасида академиклардан В. Д. Греков, Б. В. Струве, И. Трайнин, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари — Е. Э. Бертельс, В. Ф. Шишмарев, А. Ю. Якубовский, А. А. Михайлов, С. В. Бахрушин, ёзувчи Алексей Толстойлар бор эди. Тошкентликлар ўз театрлари саҳнасида ўша йилларда шоир Иосиф Уткин, артист Аркадий Райкинларни кўришган эди.

Кишилардаги совет ватанпарварлиги чексиз-чегарасиз эди. Тошкент Советининг VIII сессияси (1941 йил сентябрь)да 92 ёшли пенсионер уй бекаси Флорованинг мудофаа фондига ўз пенсия нафақасининг 50 процентини ўтказганлиги факти айтиб ўтилди. Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигига Тошкент педагогика институтининг кекса ўқитувчиси ўртоқ Григорович шундай ариза билан келиб мурожаат қилган эди: «Халқ Комиссарлигидан фронтга кетганлар ўрнига ўрта мактабдан кўшимча равишда тўла ўқитувчилик дарсларини беришни сўрайман. Мактабдаги қўшимча иш ҳақимнинг 75 процентини мудофаа фондига, 25 процентини эса ҳалок бўлганларнинг оилаларига топширамаи».

Эндиликда бутун мамлакатда машҳур бўлиб кетган Шомаҳмудовлар оиласи уруш йилларида 16 болани ўз тарбиясига олган эди. Қурбон ота Бекмуҳамедов оиласи эса 28 болага бошпана берди. Бундай мисоллар жуда кўп эди.

Совет кишилари мудофаа фондига ўз маблағлари, давлат заёмларининг облигациялари, қимматбаҳо буюмлари, ўзларининг бир кунлик ва икки кунлик иш ҳақларини топширдилар. Тошкентликлар самолётлар ва танк колонналари қуриш учун давлатга кўплаб маблағлар беришди. Давлат Мудофаа комитетининг Раиси И. В. Сталиндан Тошкент шаҳар партия комитети секретари ва шаҳар Совети ижроия комитети номига келган телеграммалардан бирида шундай дейилган эди: «Танклар ва жанговар самолётлар қуриш учун 34.210.000 сўм тўпланган Тошкент механикашларига менинг қардошлик саломим ва Қизил Армия миннатдорчилигини етказинг».

Тошкент тўқимачилик комбинати директори, партия комитетининг секретари, фабком раиси ва комбинат илғорларига йўлланган яна бир телеграммада эса шундай дейилган эди: «Совет Ўзбекистони» самолётлар эскадрилясн қурилиши учун 872.000 сўм пул ва 1.708.00 сўмлик облигацнялар тўпланган Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига менинг қардошлик саломим ва Қизил Армия миннатдорчилигини етказишларингизни сўрайман».

Ўша йилларда Тошкент шаҳар Совети республика бюджетида кўзда тутилган дотацияларни қабул қилишдан воз кечибгина қолмай, шу билан бирга шаҳар бюджети маблағларидан республика бюджетига ўн миллионлаб сўм маблағ ўтказди.

Одамлар ўшанда бир-бирлари билан бошпаналарини, озиқ-овқатларини, киймларини баҳам кўришди. Ҳар бир киши бошқа бир ўртоқига ёрдам беришни, ўзига энг оғир ишни олиб, дўсти ва ўртоғи ишини



енгиллатишни бурчи, деб билди. Фронтчиларнинг оилалари ва Ватан уруши инвалидларининг турмуш шароитларини яхшилаш учун қилинган ишлар ҳам беҳисобдир. Ўшанда ишчилар синфи ва колхоз деҳқонларининг иттифоқи алоҳида бир куч билан намоён бўлди. Халқнинг душман устидан қозонилажак Буюк Ғалабага бўлган чуқур ишончининг рамзи сифатида урушнинг ўша оғир йилларида Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди, ажойиб меъморчилик иншоотн — опера ва балет театри биноси қурилиши бошланди.

Уруш йиллар ўтган сайин ўтмишга айланиб боряпти, аммо халқ жасорати асло унутилмасдир. Уруш тугаганидан йигирма бир йил ўтгач оғир зилзиланн бошдан кечирган Тошкентни тиклаш учун бутун мамлакат ёрдамга келди. Тошкентни қайта қуриш учун келган бинокорлар орасида бир пайтлар улар учун Тошкент қадрдон шаҳар бўлиб қолган кишилар ҳам бор эди.

Қисқа вақт мобайнида москвалик-лар ва ленинградликлар, барча иттифоқдош республикаларнинг ёрдамида Тошкент қайта тикланди ва бутунлай янгидан қурилди. У тинчлик шаҳри, дўстлик ва халқлар қардошлиги шаҳри, мамлакатнинг энг гўзал саноат, маданий ва илмий марказларидан бирига айланди.

Уруш даҳшат солганда жангчи ўзбеклар Совет Иттифоқининг барча халқлари билан биргаликда Ленинград ва Киев, Москва ва Харьков, Одесса ва Сталинградни мардонавор ҳимоя қилишди. Социализм ва қардошларча дўстлик манфаатлари, барча совет халқларининг манфаатлари буни тақозо этган эди. Тошкентда табиий офат юз берган дамларда ҳам ленинградлик ва киевликлар, москвалик ва харьковликлар, одессалик ва волгоградликлар —барча совет кишилари Тошкентнинг жасур кишиларига ёрдамга келишди. Совет тузуми ва коммунистик партия тарбиялаган совет кишиларининг табиати, маънавий фазилатлари мана шундай. Дўстларнинг ғам ва ташвишларини улар ўзларининг ғам ва ташвишлари деб биладилар.

Биз буни турмушимизнинг барча жабҳаларида ҳамиша кўриб турибмиз. Социалистик тузумнинг улуғворлиги шунда, унинг енгилмаслиги манбаи мана шундадир. Бугун совет халқи, бутун прогрессив инсоният Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётиб, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини, барча миллатларнинг вакиллари, эркаклар ва аёллар, ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар, партия ва совет ходимлари, қуролли кучларнинг жангчилари, коммунистлар ва партиясизларни — социализмни бунёд этган ва фашизм билан бўлган оғир урушда уни мардонавор ҳимоя қилган барча кишиларни шарафлайди.

* * *

СУРАТДА: Бизнинг фотоархивимиздан. Эвакуация қилинганлар болалар уйида.

Ўнинчи вагон йўловчиси

(НОВЕЛЛА)

Эшелон фронтга жўнади. Ўнинчи вагондаги ёш, шўх йигитлар тезгина танишиб кейин ахдлашдилар. Урушдан ким омон қайтса, декабрь ойининг биринчи шанбаси Жангохдаги чойхонага йиғилиб ош қилишадиган бўлишди.

Уруш тамом бўлди. Беш киши йиғилди, кейин эса уч инвалид қўшилди.

Ҳар йили «Ҳурматли кексалар ўрнида» кўкрагида орден ва медаллар тақилган эркаклар йиғилишиб жимгина чойхўрлик қилиб кетишарди.

Йиллар ўтиб сафлар сийраклашди. Бугун эса сочлари оқарган бир киши келиб, харакатни ўртага қўйди. Гўшт тўғради, пиёз артди-да, икки кўзи паркнинг йўлагида бўлиб қозонга олов ёқди. Сабзи-пиёзни босиб узоқ ўтирди.

Дастурхонда нон, узум, артилган турп, аллақачон совуган жизза. Кекса ҳадеб совуқ чой ичади. Атрофда эса ёшлар, иштаҳа билан ош ейишади, аския қилишади.

Чолнинг олдига бир йигит келиб икки оғиз сўз айтди-ю, кўзини ерга тикиб қайтди. Чол индамади. Узоқ ўтирнб, чойхоначини чақирди, қўлига пул санаб берди.

— Ошга гуруч солмадингиз? Улфатларингиз...

— Йўқ, улар энди келишмайди,—деб дастурхоннинг барини буклб ўриндан турди.

Кўприкнинг нарнги томонида унн қизил галстук таққан ўқувчи бола кутиб турарди.

Ўнинчи вагоннинг охирги йўловчиси невараси билан боғдан чиқиб, уйнга йўл олди. У невараси билан нима ҳақдадир суҳбатлашиб борар, бояги ҳорғин ва ўйчан кайфияти бироз тарқагандай чолнинг юзларн ёришиб қолган эди.

Кўшни кўрган бобо ва бахтиёр невара суҳбатн одамийлик ҳақида эди.

Акбар ЮНУСОВ.

Болалар сўзлаганда

ШИФОКОР

Ўйинчоқларнин ўйнаб ўтирган Камола озгина пахтани намладн-да қўғирчоғининг бўйнига қўйдн, сўнг календардан бир варақ йиртиб олиб устидан ўраб, дастрўмолчаси билан боғлаб қўйдн. Бунн кулимсираб кузатиб турган онаси сўрадн:

— Қизгинам тушмагур, нима қилаяпсан!

— Ойижон, қўғирчоғим шамоллаб қолибдн, томоғи ғижиллаяпти, компресс қилаяпман.

МУЗИКА ТЎГАРАГИДА

— Сен нега пианнино чалишни ўрганишни хоҳламадинг!

— Унн ҳеч кўтариб юриб бўлмайди-да...

ҲОЗИРЖАВОБ

— Васнла, қанн айтингчн «А» ҳарфи қаерда ишлатилади?

—Тиш докторнга борганда — А...аll.

Фозилжон ОРИПОВ.

• Анъанавий конференция

ЁШ ОЛИМЛАР ҲИССАСИ

Тошкентдаги Олимлар уйида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа кафедрасида таълим олаётган аспирантларнинг ҳар йилги анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Бу анжуман Улуғ Ватан уруши йилларида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПССнинг бўлажак XXVII съездига бағишланди.

Аспирантлар Г. Юсупова, У. Аюбов, А. Григорьева, Є. Пузирев, С. Ғоибов, О. Иноятов, М. Абдуразоқов, С. Гушчин, В. Тальских, Т. Чороев ва бошқалар кафедранинг профессорлари ва доцентлари раҳбарлигида бу анжуманга докладлар тайёрладилар. Ёш олимлар ўз докладларида Ўзбекистоннинг совет халқи қозонган Буюк Ғалабасига қўшган ҳиссаси, замонавий фанларнинг жаҳоншумул ва методологик проблемалари ҳақида гапирдилар. Экономистлар, юристлар, филологлар, кибернетиклар, биологлар, шарқшунослар ва бошқалар фаннинг социал этик жиҳатлари бўйича масалаларни баён этдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа кафедрасининг мудири, профессор Х. П. Пўлатов конференция натижаларига якун ясар экан КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) ва апрель (1985 йил) Пленумлари материаллари асосида докладлар тематикасининг муҳимлигини, сўзга чиққан нотиқларнинг конференцияга илмий ва назарий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганликларини таъкидлаб ўтди.

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа кафедраси мудирининг ўринбосари, психология фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро байрам — 1 Май куни В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намойишда иштирок этувчи меҳнаткашларнинг вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, район колонналари сафида белгиланган маршрутлар бўйлаб В. И. Ленин майдонига йўл оладилар.

Таклиф билети бўлган кишиларни В. И. Ленин майдонига ўтказиш соат 9 дан 45 минут ўтганида тўхтатилади.

Шаҳарнинг марказий қисми А. Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчалари ва В. И. Ленин номли, Ш. Р. Рашидов номли проспектлар бўйлаб барча транспорт воситаларининг ҳаракати, махсус пропуски бўлган автомашиналарни мустасно этган ҳолда, соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта тикланади.

Тошкент метрополитени 1 Май куни эрталаб соат 6 дан тунги соат 2 гача ишлайди. «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» номли станцияларидан соат 8 дан 13 га қадар фақат чиқиш мумкин. «В. И. Ленин номидаги майдон» станцияси ана шу вақтда ёпиқ бўлади.

Соат 13.00 дан бошлаб метрополитеннинг барча линияларида ҳаракат тикланади.

Шаҳар байрам комиссияси.

ТВ

дүшанба

29 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.40 «Ўсмирлар ижоди».
18.00 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
18.30 Футбол шарҳи.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 Халқ куйлари.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 13-фильм — «Урушнинг сўнгги залплари». 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 Ғалаба стратегияси. Кўп серияли телефильм премьераси. 13-фильм. — «Урушнинг сўнгги залплари». 2-қисм.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». Туркуманинг очилиши. 1-симфония.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Тинч атом билан ёнма-ён». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 С. Соловейчик. «Иссиқ ўрин». Телеспектакль.
23.40 Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

17.30 Янгиликлар.
17.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасорат эстафетаси» (рус.).
18.25 Глиэр номли республика мусиқа мактаб-интернати ўқувчиларининг концерти.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.45 «Ахборот».
21.05 «Пилла — бойлигимиз».
21.20 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Давр, олға бос!» Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 «Хотирамда бир соат». Телефильм.
19.20 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида». Тошкент область юк ташиш автотрести.
19.50 «Немда қирғоқларида». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бўёқлар симфонияси». Телефильм.
21.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳамма нарса — фронт учун». (рус.).

сешанба

30 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.15 Сиёсий қўшиқлардан концерт.
23.15 «Владимир Коккинаки». Телефильм премьераси.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Онамларнинг мактаби».
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.15 «Бахт кулиб боққан одам». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Хоҳламайман ва бўлмайман». Мультфильм.
18.25 «Май гуллари». Болалар боғчасида тарбияланувчилар ижро этади.
18.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ўзбекистон Коммунистик партияси Улуғ Ватан уруши йилларида» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Д. Шостакович. «Мардлик достони», А. Понкиелли. «Жоконда» операсидан «Соатчалар рақси». Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчилари ижро этади.
20.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Байрам мушоираси». Адабий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Давр, олға бос!» Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 «Сизнинг севимли қаҳрамонларингиз». Болалар учун кинокўрсатув.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.00 «Заповедникларда». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
29 АПРЕЛЬ, 1985 й.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармаси

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

БАЙРАМ ХАРИДЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙДИ



Савдо ходимлари совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистон пойтахтининг савдо корхоналарида 30 мингдан ортиқ киши ишламоқда, аҳолига саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қиладиган бир ярим мингга яқин магазин шаҳар меҳнатчиларига хизмат кўрсатмоқда.

Савдонинг илғор методлари ва тажрибалари йил сайин такомиллаштирилмоқда, янги савдо корхоналари ишга туширилмоқда. Биринчи Май байрами арафасида бир неча янги магазинлар ишга туширилиши мўлжалланган: улар Биринчи Май кўчасидаги «Хотин-қизлар учун товарлар», Пушкин кўчасидаги «Аметист» магазинларидир.

Куйбишев, Фрунзе, Сергели районларида «Озиқ-овқатлар» янги магазинлари ўзининг дастлабки харидорларини қабул қилади.

Ҳамшаҳарларимизнинг талаб ва истакларини янада тўла қондириш, савдо ходимларининг тошкентликларга маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг 727 магазинида ранг-баранг қўшимча хизматлар жорий этилган. Улар орасида — сотиб олинган молларни харидорларнинг уйига, совғаларни кўрсатилган адресларга етказиб бериш, байрам арафасида буюртмаларни қабул қилиш, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларига хизмат кўрсатиш каби хизматлар бор. Буларнинг ҳаммаси харидорларнинг қимматли вақтини тежаш, уларнинг турмушини осонлаштириш учун ташкил этилган тадбирлардир.

ТОШКЕНТНИНГ КЎПГИНА МАГАЗИНЛАРИ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИГА АНЧАГИНА ҚУЛАЙ БЎЛГАН ЯНГИ ЎЗАЙТИРИЛГАН (соат 22-23 гача) ИШ ТАРТИБИГА ЎТДИЛАР. УЛАР ОРАСИДА 81 ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА 52 НОН СОТИШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАР БОР.

Ана шу байрам арафаси кунларида тошкентликлар кўпгина нарсаларни сотиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки бу совғалар Биринчи Май ва Ғалаба кунига аталган.

15 савдо ташкилотининг магазинлари ўн минглаб байрам совғаларини тайёрлаб қўйдилар.

Олой, Октябрь, Қўйлиқ бозорларида ишлаб турган доимий — ҳаракатдаги кўчма ярмаркаларда баҳор — ёз мавсумига мослаб чиқарилган ранг-баранг моллар савдога қўйилган.

«Ташплодоовощ» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси конторасининг Юнусобод бозори, «Чилонзор» метро станцияси, «Фарҳод» бозори, Шолохов кўчаси, Тўқимачилик комбинати атрофи, Трактор заводи бозори, Қорақамиш ва Сергели бозорларида байрам дастурхонига атаб сабзавотлар ва ош кўкларини тайёрлаб қўйдилар.

Ярмаркаларда озиқ-овқат моллари, яхна ичимликлар, музқаймоқ ва шарбатлар савдоси ташкил этилган.

ЯРМАРКАЛАР 30 АПРЕЛДА ВА 6 МАЙДАН 8 МАЙГАЧА ИШЛАЙДИ.

«Ташлимволторг» ва шаҳарнинг райпищеторглари квас ва шарбатлар савдосини кенг йўлга қўйдилар.

Байрам арафаси кунларида шаҳарнинг кўчалари ва майдонларида эрталаб соат 7 дан бошлаб озиқ-овқат моллари, яхна ичимликлар, музқаймоқлар сотиб олиш мумкин.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ 29-30 АПРЕЛЬ ВА 8-МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 23.00 ГА ҚАДАР ИШЛАЙДИ.

Саноат моллари магазинларининг иш куни яна икки соатга узайтирилган.

1, 2, 9 МАЙ КУНЛАРИ ШАҲАРНИНГ БАРЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ОДДИЙ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ.

1, 2, 8, 9 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ОММАВИЙ САЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

ШАҲАРНИНГ МАЙДОНЛАРИ ВА БОҒЛАРИДА ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР, ШАРБАТЛАР, МУЗҚАЙМОҚЛАР САВДОСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

Хонадонларда миллий безаклар

РАНГ-БАРАНГ ЖИЛОЛИ БАДИИЙ КАШТАЧИЛИК БУЮМЛАРИ ВА КЕРАМИКА ИДИШЛАРИ ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ МИЛЛИЙ УСУЛДА ЗАМОНАВИЙ ЭТИБ БЕЗАЙДИ.

«ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ.

сўзана, зардевол, кирпеч, чойшаб;
керамика— лаганлар, пиёлалар, косалар;
зардўзлик буюмлари —дўппилар, ғилофлар, нимчалар, туфлилар, кўзойнаклар ғилофларини

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

Ана шу буюмларнинг ҳар бири байрамга ажойиб совға бўлиши мумкин.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

22— Т. Шевченко кўчаси, 31-уй;
18— Навоий кўчаси, савдо растаси;
43— Октябрь бозори.



«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ. (телефон 33-17-04).

Сизнинг байрам либосингиз



Байрам либосини тайёрлаш ҳақида фикр юритилаётганда бир талай жозибадорликни яратиш мумкин. Бугунги куннинг модали либослари турли услубда тикдириш мумкин эканлигини тақозо этмоқда. Бу услублар романтик, диско, фольклор деб номланади. Кўйлаклар, жакетлар, узун жилетлар кўйлак — комбинезонлар билан мўтаносиблашганда жуда ҳам эркин шаклда тус олади. Бундай либосларнинг юқори қисми кўйлак типида, пастки қисми эса шим, шарвар, галифе шаклида бичилади.

1985 йил модасининг ранги ғоятда ранг-барангдир. Жигарранг ва табиий сариқси, оч қирмизи, кулранг туслар модага жавоб беради. Аввалдагидек оқ ва майин, ҳаймоқранг, майин қирмизи ранглар газламаларда ўзининг яхши жилосини топган.

Байрам оқшоми маросимлари учун кумушранг ёки оқ рангни танлаш мумкин. Улар айниқса ацетат, табиий ёки сунъий шойи матоларда гўзал кўринади. Бу газламаларнинг фазилати шундаки, уларда майин қат-қат бурма чоклар ҳосил қилиш мумкин. Бундай газламалардан тикилган воланлар, рюшлар, плиссе, гофре либослари янада кўркам кўринади.

БИЗ СИЗЛАРНИ «ТАШТЕКСТИЛШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙМИЗ.

СИЗ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ ТАЙЁР КИЙИМЛАРНИ ҲАМ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Крепдешин, шойи, хонатлас газламаларидан тикилган кўйлаклар; калта ва узун енгли блузкалар; тўғри бичиқли, қат-қат бурмалар ва этаги кенг бичилган юбкалар.

Эркаклар ҳам эътибордан четда қолишган эмас. «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»нинг магазинларига улар учун ранг-баранг шимлар, кўйлаклар, костюмлар сотувга қўйилган.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (78-72-42).

Совғанинг сеҳрли кучи

СОВҒАНИНГ СЕҲРЛИ КУЧИ НИМАДА? АЛБАТТА, БИЗ БИР-БИРИМИЗГА КЎРСАТГАН ҲУРМАТДАДИР.

Сиз дўстларингиз ва қариндош-уруғларингизни Биринчи Май айёми билан муборакбод этар экансиз совға тақдим этиш лозим бўлган кичик юмушни мутлақо унутмаслигингиз керак.

Совға эгасига манзур бўлиши учун биринчи навбатда уни шошилмасдан танлашга ҳаракат қилингиз, совға танлаш ишини байрамлар арафасига тиқилинч қилиб қолдирмангиз.

БУГУН БИЗ СИЗЛАРНИ ЦУМГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Совғалар бўлимида бир неча минут буюмларни кўздан кечиришга тўғри келади.

Тошкент заргарлик фабрикасида ишлаб чиқарилган миллий буюмлар—зираклар, билакузуклар, узуклар, тўғноғичлар ва бошқа корхоналарда тайёрланган чуст пичоқлари, Бухоро зардўзлик усталар меҳр билан тиккан миллий туфлилар харидорларга ғоятда манзур бўлади. Балки сизга қамишдан ишланган нафис паннолар, шоҳ ва ёғочдан тайёрланган буюмлар, эстамп асарлари манзур бўлар.

Хотин-қизлар учун совға излаётганингизда газламалар бўлимига киришни унутмангиз. Бу ерда баҳор либослари учун гулли ва сидирға рангли табиий ва ацетат шойилар сотувга қўйилган.

ЦУМ (телефон 56-77-91).



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ҚЎЙИДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«ТЎСИҚЛАР МАЙДОНИ»



Сценарий муаллифи — В. КУНИН.
Режиссер — М. ТУМАНАШВИЛИ.
Ролларда: О. Меньшиков, Р. Коростелева, А. Мягков, А. Демидова, Д. Набатов, А. Смоляков, Л. Данилина ва бошқалар.

Фильм қаҳрамони ёш рассом бўлиб, ўзининг бутун истеъдодини бойлик орттириш йўлида сарфлаган ва оқибатда замонавий задагон бўлиб қолган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР»

Сценарий муаллифи — Н. РЯЗАНЦЕВА.
Режиссер — М. НИКИТИН.



Ролларда: Л. Федосеева-Шукшина, А. Петров, А. Сергеев, С. Бехтерев, С. Смирнова, Е. Никишхина ва бошқалар.

Бу картина ўзининг бутун ҳаётини меҳнатсиз тасаввур қилолмайдиган, лекин пенсияга чиқишга мажбур бўлган аёл киши ҳақидаги психологик драмадир. Бу аёл ўзи учун ноқулай бўлган ва кўникмаган шароитларда куч-қудрат топади, ҳаётини файзли ва қизиқарли ташкил этади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Ҳар тўкисда бир айб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 29/IV да **Кумуш шаҳар маликаси.**

кино

20 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Москва** (17, 20.00; телефон 33-05-01), **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59), **С. Раҳимов номли** (19.00; телефон 48-46-71).

«СПОРТЛОТО-82»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 17, 21.00; телефон 35-24-92).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» — **Қозоғистон** (кичик зал, 18, 21.00).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АФРИКАЛИК» —**Мир** (17, 19, 20.45).

«ТЎСИҚЛАР МАЙДОНИ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР» —**Фестиваль** (17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ПЕШҚАДАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда телефон 91-10-51).

30 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА»— **Москва** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-05-01), **Искра** (12, 15, 18, 21.00; телефон 39-14-59), **С. Раҳимов номли** (13, 16, 19.00; телефон 48-46-71).

«СПОРТЛОТО-82»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 35-24-92).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» — **Қозоғистон** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АФРИКАЛИК»— **Мир** (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

«ТЎСИҚЛАР МАЙДОНИ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР» —**Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ПЕШҚАДАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

Сурхондарё область Денов районидаги А. Матросов номли 46-ўрта мактаб томонидан **Холиёров Рўзиморот Сандқулович** номига берилган 067022 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат педагогика институти томонидан **Раҳматов Маҳмададнл** номига берилган 142178 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13728. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.